

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЎЗИМУРОДОВ СИРОЖ МАДАТОВИЧ**

**ОИЛАДА СОҒЛОМ ВА ОБОД ТУРМУШ ТАРЗИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ-ЭСТЕТИК МУАММОЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Рўзимуродов Сирож Мадатович**

Оилада соғлом ва обод турмуш тарзини

шакллантиришнинг фалсафий-эстетик муаммолари..... 3

**Ружимуродов Сирож Мадатович**

Философско-эстетические проблемы формирования

здорового и благоустроенного образа жизни в семье ..... 21

**Ruzimurodov Siroj Madatovich**

Philosophical and aesthetic problems of establishing a healthy

and prosperous lifestyle in the family ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЎЗИМУРОДОВ СИРОЖ МАДАТОВИЧ**

**ОИЛАДА СОҒЛОМ ВА ОБОД ТУРМУШ ТАРЗИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ-ЭСТЕТИК МУАММОЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal146 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ғайбуллаев Отабек Муҳаммадиевич**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алиев Бекдават**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Чориев Санжарбек Анварович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Навоий давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.К.Каримов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

**С.А.Чориев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари жамиятнинг ҳар бир соҳасига кириб бориб, инсонлар турмуш тарзига бевосита конструктив ва деструктив таъсири кучайди ва шу билан бирга оилавий муносабатларнинг ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, эстетик динамикасини ўзгаришига олиб келди. Шу жиҳатдан олганда, ҳозирда тез ўзгараётган, ривожланаётган ва трансформациялашаётган инсоният этногенезисининг асосини ташкил этадиган оиланинг эстетик софлигини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса энг аввало, оилада соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантириш асосида шахснинг онгида бевосита ахлоқий ҳамда эстетик қадриятларга асосланган идеални қарор топтириш заруриятини тақозо этмоқда.

Жаҳон илм-фанида оила институтининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-эстетик муносабатлар тизимидаги ўрни борасида амалий ва назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, оиланинг психологик хусусиятлари, оила низоларини тартибга солиш, оиланинг жамиятдаги ҳуқуқий асослари сингари йўналишлардаги илмий тадқиқотлар шулар жумласидандир. Зеро, бугунги кунда халқларнинг ўзига хос борлигини намоён этувчи ижтимоий-ахлоқий муносабатлар тизимида оилавий муносабатларнинг деградацион (қадрсизланиши) хусусиятини сақлаб қолганлиги, никоҳсиз оилаларнинг кескин кўпайиши, расмий никоҳ меъёрий талабларининг бузилиши, оилалар конфигурацияси хилма-хиллигининг ортиб бориши каби салбий ҳолатларни олдини олиш зарурияти бу соҳадаги тадқиқотларнинг долзарблигини кўрсатади.

Мамлакатимизда оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, оилавий муносабатларни ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, «... бугунги тез ўзгараётган зиддиятли даврда оилавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганмасдан туриб, ижтимоий ҳаётдаги кўплаб мураккаб саволларга жавоб топиш қийин»<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, жамиятда соғлом ижтимоий-маданий муҳитни, соғлом тафаккур тарзи, соғлом тарбия тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда оиланинг жамиятдаги ролини ошириш, оилада соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришнинг фалсафий-эстетик жиҳатлари юзасидан тадқиқотлар олиб бориш объектив заруриятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон, 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 464.

мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сон, 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги ПФ-5386-сон ва 2020 йил 26 мартдаги «Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5975-сон фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Оилада соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришнинг фалсафий-эстетик жиҳатлари ва унинг субстанционал асослари тўғрисидаги ғоялар ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ҳамisha долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган. Бугунги глобаллашув жараёнида ҳам бир қатор олимлар жамият, оила ва оилавий муносабатлар, турмуш тарзининг келиб чиқишида фалсафий-эстетик омилларга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, хорижлик тадқиқотчилар А.Тойнби, Г.Гадамер<sup>1</sup>, Д.И.Фельдштейн, З.Фрейд, И.Пригожен, К.Леви-Стросс, С.Хантингтон, Ф.Ницшелар оиладаги соғлом турмуш тарзининг барпо этилишида урф-одатларнинг роли ва турли миллатларнинг бир-бири билан боғлиқ айрим этноэстетик муаммоларини тадқиқ этганлар. Уларнинг илмий фаолиятида оилани мустаҳкамлаш, унинг ижтимоий ҳодиса сифатида инсонларни бирлаштирувчи бўғин эканлиги объектив тарзда назарий асосланган.

Оилавий қадриятлар мавзусига оид қарашлар МДХ мамлакатлари олимларининг тадқиқотларида, жумладан, Ю.А.Гаспарян, И.О.Кон, М.Г.Панкратова ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган. Ота-оналик соҳасида – В.В.Бойко, Н.Л.Пушкарева<sup>2</sup>, Г.Г.Филиппова сингари олимлар изланишлар олиб боришган бўлса, оила ва никоҳ мавзусида М.Ю.Арутюнян, О.М.Здравомислова, З.А.Янкова ва бошқалар ўз тадқиқотларини олиб борганлар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари ҳам ўз тадқиқотларида соғлом турмуш тарзининг бир қатор жиҳатларини тадқиқ этганлар. Жумладан, бу даврда амалга оширилган тадқиқотларда миллий турмуш тарзи тизимида маънавият, оилавий муносабатлар, маданиятнинг тарбиявий аҳамияти каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Б.Аминов, Э.Юсупов, А.Валиев, С.Шермухамедов, Т.Маҳмудов,

<sup>1</sup> Гадамер Г. Актуальность прекрасного. - Москва: Искусство, 1991. - С. 368.

<sup>2</sup> Пушкарева Н.Л. Женщина в русской семье X - начала XIX в. Динамика социо-культурных изменений. Докторская диссертация. - Москва: 1997 .

Қ.Хоназаров, И.Жабборов, С.Каримов<sup>1</sup>, Ў.Абилов, И.Каримов, Х.Шайхова, С.Мамашокиров, Қ.Назаров, В.Алимасов, Ғ.Нажимов, С.Отамуротов, И.Саифназаров, Ю.Шодиметов, М.Холматова<sup>2</sup>, У.Қорабоев, М.Нурматова, О.Ғайбуллаев, Б.Хусанов, О.Нишонова, Н.Ўринбоев<sup>3</sup> ва Г.Тиллаева<sup>4</sup> каби олимларнинг тадқиқотларини алоҳида қайд этиш лозим. Улар жамиятда эстетик омилларни ва инсонларда соғлом турмуш тарзи табиатни, жамиятни ва инсоннинг ўзини ўзгартиришга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти ҳамда жамиятнинг тизимлари (халқ, синф, оила, маҳалла ва бошқалар)да кишилар ўртасидаги мулоқотларни ўз ичига оладиган ранг-баранг коммуникатив фаолият, инсоннинг жисмоний ва маънавий ривожланишига қаратилган педагогик фаолият эканлигини тадқиқ этганлар. Аммо юқоридаги тадқиқотларда диссертация мавзуси билан бевосита боғлиқ бўлган оилада соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришнинг фалсафий-эстетик муаммоларига эътибор қаратилмаган. Бу эса тадқиқот ишининг янада долзарблигини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти “Самарқанд давлат университетини 2017-2030 йилларда ривожлантириш дастури”нинг 2.5 бандига асосан ва Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ “Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оилада соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришнинг фалсафий ривожини ва ахлоқий-эстетик жиҳатларини илмий тадқиқ этиш ҳамда амалий тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оилага оид соғлом турмуш тарзи, соғлом ҳаёт, соғлом авлод, оқилона турмуш тарзи, соғлом ижтимоий-маданий муҳит, соғлом эътиқод, соғлом тафаккур тарзи, соғлом тарбия тизимларига янгича концептуал таъриф бериш;

оилада баркамол авлодни вояга етказишда соғлом ва обод турмуш тарзининг фалсафий-эстетик таъсирини илмий асослаш;

соғлом ва обод турмуш тарзининг характери, йўналиши, ички мазмунини белгилайдиган маънавий омиллар ролини кўрсатиш;

оиладаги соғлом ва обод турмуш тарзи ўртасидаги узвий алоқадорликни таҳлил этиш;

оилада умуминсоний қадриятларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги аҳамиятини тавсифлаш ва соҳага оид тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

<sup>1</sup> Каримов С. Оила маънавияти. – Т.: ЎзР ФА Фан, 1999. – Б. 81.

<sup>2</sup> Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. - Б. 216.

<sup>3</sup> Ўринбоев Н.Ў. Барқарор тараққиётни таъминлашда соғлом турмуш тарзининг ўрни. Фалс. фан. номзоди дисс. автореферати. - Т.: Университет, 2005. – Б. 23.

<sup>4</sup> Тиллаева Г. Оила ва инсон камолоти. – Т.: ЎзР ФА фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. – Б. 255.

**Тадқиқотнинг объектини** оилада соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришнинг фалсафий-эстетик омиллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг фалсафий-эстетик асосларини ўрганиш орқали унинг ижтимоий ривожланишдаги ролини кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, контент анализ, тизимли таҳлил, кузатув, социологик сўровнома каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

оилада соғлом ижтимоий муҳит, миллий менталитет ва диний қадриятларнинг ўзаро уйғунлиги оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш омили эканлиги мантиқий асосланган;

ўзбек оиласида никоҳ ва этномаданий маросимларнинг ахлоқий-ҳуқуқий регламентлаштириши (тартибга солиш) соғлом турмуш маданиятини шакллантиришнинг бирламчи асоси эканлиги социометрик кузатув воситасида исботланган;

соғлом турмуш тарзининг этномаданий (урф-одат шаклида) ва этноэстетик (қадриятли, фалсафий) шакллари оила институтининг тарихий ва замонавий кўринишларда намоён бўлгани аниқланган;

оилада соғломлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ижтимоий (спорт, жисмоний тарбия, оилани ривожлантириш концепцияси) ва ахлоқий-эстетик (гўзал хулқ, соғлом авлод, этноэстетик қадриятлар) омилларнинг турмушни фаровонлаштиришдаги роли фалсафий категориялар (сабаб ва оқибат) асосида далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

оиладаги соғлом турмуш тарзининг фалсафий-эстетик моҳияти ва функциялари, унинг эволюцион, трансформацион ва инновацион хусусиятга эга жараён эканлиги назарий, методологик ва амалий хулосаларда умумлаштирилган ҳамда аниқлаштирилган;

оиладаги турмуш, турмуш тарзи, соғлом турмуш тарзи каби тушунчалар ахлоқий ва эстетик категорияларнинг шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамият касб этиши, фуқаролик жамияти талабларига кўра оиладаги миллий маросимларнинг этноэстетик, соғлом турмуш тарзи эстетикаси сифатида такомиллашиб бориши юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертация хулосаларидан фалсафа, ахлоқшунослик, эстетика, этномаданият, турмуш тарзи ва оила маънавияти бўйича илмий тадқиқот олиб борувчилар фойдаланиши мумкин.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, диссертацияда баён қилинган таклиф ва тавсиялардан оила муаммоси билан шуғулланувчи ташкилотлар, хусусан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва унинг худудий бўлинмалари, миллий маданий марказлар, таълим-тарбия даргоҳлари амалий фаолиятларида қўлланиладиган назарий-методологик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оилада соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришнинг фалсафий-эстетик муаммоларини тадқиқ этиш асосида:

оилада соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий муҳит, миллий менталитет ва диний қадриятларнинг ўзаро симбиоз ривожланиши кўрсатиб берилганлиги, фуқаролик жамияти талабларига кўра оиладаги миллий маросимларнинг этноэстетик, соғлом турмуш тарзи эстетикаси сифатида такомиллашиб боришига оид таклиф ва хулосаларидан 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-039 рақамли “Ёшларни интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда маънавий-маърифий тарғибот механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 89-03-4239-сон маълумотномаси). Бу эса ёшларни интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда маънавий-маърифий тарғибот механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўзбек оиласида никоҳ ва этномаданий маросимларнинг ахлоқий-ҳуқуқий регламентлаштириш, соғлом турмуш маданиятини шакллантиришга оид таклиф ва тавсиялардан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан вилоят кесимида 2019 йил июнь-июль ойларида ўтказилган “Оилаларда соғлом муҳитни яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олиш” дастур сценарийсини тузишда ва ижросини таъминлашда фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 30 октябрдаги 02-02/735-сон маълумотномаси). Натижада, оилада юзага келадиган муаммоларнинг олдини олиш ва уларнинг ечимларини топишга амалий жиҳатдан хизмат қилган;

оила институтининг ижтимоий-тарихий шакллари ва замонавий турларида соғлом турмуш тарзи этномаданий (урф-одат шаклида), этноэстетик (қадриятли, фалсафий) шаклларда намоён бўлгани аниқланганлигига доир таклиф ва тавсиялардан “Маънавият тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Миллий ғояда инсон – энг олий қадрият” номли 8-бобининг “Инсон, унинг шаъни ва кадр-қиммати, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари” деб номланган мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-88-сон маълумотномаси). Натижада, халқимизнинг тарихий-миллий қадриятлари, анъаналарига суянган ҳолда, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш асосида миллий характеримизга хос турмуш тарзини такомиллаштириш ҳамда ёшларнинг соғлом турмуш тарзини ривожлантиришга хизмат қилган;

оиладаги соғломлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ижтимоий-сиёсий (спорт, жисмоний тарбия, оилани ривожлантириш концепцияси) ва ахлоқий-эстетик омилларнинг турмушни эстетиклаштиришдаги ролига оид тақлиф ва тавсиялардан Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш” мавзусидаги 46-11/50 рақамли грант лойиҳаси ижросини таъминлашда фойдаланилган (Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2019 йил 18 сентябрдаги 26-сон маълумотномаси). Натижада, оилада соғлом турмуш тарзини ва маданиятини ривожлантиришда, оила институтини ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан такомилга етказиш ва обод жамиятнинг куч-қудрат манбаи ҳақида замонавий тафаккурни шакллантириш борасидаги устувор, аҳамият бериш керак бўлган вазифаларини аниқлаштириб олишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Тадқиқот матнининг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган. Илмий ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган. Изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ижтимоий-тарихий ва назарий-методологик асослари**” деб номланган биринчи бобида “Соғлом турмуш тарзи”, унинг моҳияти, мазмуни, тузилиши ҳамда уни ҳаракатга келтирадиган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таҳлил этилган. Бизга маълумки, оила институтининг функционал ўзгариши, янгича аксиологик тартибот ҳамда унинг симметрик силжиши замонавий тараққиёт ва ижтимоий онг оқимининг ўзгариши натижасидир. Жамиятда истеъмолчилик кайфиятининг кучайиши, ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланиши оқибатида обод турмуш билан

уйғун равишда экологик муаммолар вужудга келди. Натижада табиатни сақлаб қолиш ташвишлари билан банд бўлган инсоннинг ўзи шу муҳитнинг бир бўлаги эканлигини, табиий шароит эса унинг соғлом турмуш тарзи кечадиган макон бўлишини унута бошлади.

Ушбу бобнинг “Оила – соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг объекти” деб номланган биринчи параграфида “Оила”, “Турмуш тарзи”, “Соғлом турмуш тарзи” ва “Турмуш даражаси” тушунчаларининг фалсафий моҳияти ва ижтимоий хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган. Хусусан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Оила – бола-чақа, хонадон, уруғ авлод. Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи”<sup>1</sup> –деб, таъкидлаб ўтилади. Ҳар бир жамиятда оила ўзига хос ва бетакрор ижтимоий муҳит асосида ривожланиб боради. Ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланиб келган эстетик тафаккури негизида оиланинг трансформацияси, оила парадигмаси очиб берилиши билан бирга оила генезиси ва феноменига нисбатан кўплаб қарашлар мавжуд. Жумладан, “Оила – аёл билан эркакнинг ихтиёрий равишда турмуш қуриш учун тузган иттифоқи бўлиб, жамиятнинг кичик ҳужайраси, ижтимоий-маданий организмдир”<sup>2</sup>. “Оила кишилиқ жамиятининг энг катта кашфиёти бўлиб, унда кишиларнинг табиий-биологик (жинсий, кўпайиш, ўз авлодини давом эттириш), моддий-иқтисодий (мулкни сақлаб қолиш, уй-рўзғор, хўжалиқни юргизиш), ҳуқуқий (жамиятда никоҳни қонунийлаштириш, фуқаролик ҳолатларини қайд этиш), маънавий-ахлоқий (бола тарбияси, аёл ва эркак ўртасидаги никоҳга содиқлик, муҳаббат туйғусини шакллантириш), эстетик (оилада икки жинс вакилларининг севги-муҳаббати, соғлом турмуш тарзини яратиш, ободонлаштириш, рўзғор тутишни гўзаллаштириш, этноэстетик қадриятларни сақлаш) муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир”<sup>3</sup>, сингари фикрларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Ўзбек оилаларида болаларни фақат ота-онагина эмас, балки қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилар, маҳалла-қўй тарбиялайди, деган гап бор. “«Авесто»да ахлоқий баркамол инсон фақат ахлоқий йўл-йўриқларнигина эмас, балки яхши ёр, ақлли фарзанд, чинакам бахтли оилавий турмуш тўғрисида ҳам ўйлаши зарурлиги алоҳида таъкидланади”<sup>4</sup>. Дарҳақиқат, соғлом турмуш тарзи – бу оилада инсоннинг жисмоний, ақлий, ижтимоий, ҳуқуқий ҳамда маънавий, эстетик ва ахлоқий фазилатларини шакллантиришга қаратилган жараёндир. Бунда оила масаласи ҳам турмуш тарзининг барқарор кечишида ўзига хос ўрин тутади.

Турмуш тарзи тушунчасининг мазмунини тўлароқ идрок этишда у билан жинсдош “турмуш даражаси”, “уклади”, “сифати”, “стили” каби категорияларнинг мазмунини аниқлаб олиш зарур. Муаммога доир

<sup>1</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3- Жилд. – Т., 2006. - Б.17.

<sup>2</sup> Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи. - Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.б.

<sup>3</sup> Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 2-китоб. - Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2016. - Б.125.

<sup>4</sup> Каримов С., Шарқ ижтимоий тафаккури тарихидан – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2016. - Б. 81.

адабиётларда турмуш тарзининг таснифи доирасида “турмуш даражаси” (иқтисодий), “турмуш уклади” (ижтимоий-иқтисодий), “турмуш сифати” (социологик), “турмуш стили” (ижтимоий-психологик) каби категориялар тилга олинади.

“Турмуш даражаси” (ёки фаровонлик даражаси) моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг ҳажми, шунингдек, уларнинг структурасини тавсифлайди. Бу тушунча алоҳида индивид, ижтимоий қатлам ёки умуман жамиятнинг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини минимал ва максимал даражасини баҳолаш учун ишлатилади.

“Жамиятда обод ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг фалсафий-эстетик асослари” деб номланган иккинчи параграфида эса, масаланинг юқорида тилга олинган жиҳатларини муайян даражада асос қилиб олган ҳолда, “соғлом турмуш тарзи” тушунчаси икки хил, бир томондан, соф маиший кундалик онг даражасида, иккинчи томондан, ижтимоий-фалсафий маънода идрок этилишини таъкидлаймиз.

Демак, “соғлом турмуш тарзи” жамият, ижтимоий гуруҳлар, индивидларнинг реал ҳаётий фаолиятларини моддий ва эстетик ранг-баранглиги кўламини чуқур ифодаладиган, инсонни фаровон ва обод турмуш сари элтувчи фалсафий тушунчадир. Соғлом турмуш тарзи бу индивиднинг хусусиятлари ва социо-маданий омиллар билан шартланадиган ҳаётий фаолият шаклидир. Соғлом турмуш тарзи барча даражадаги, яъни жисмоний, рухий, маънавий, шу билан бирга ташқи муҳит, борлиқ билан уйғунлашиш ҳолатидир.

Мамлакатимизда Президентимиз томонидан қабул қилинган 2018 йил 27 июндаги ПФ-5467-сон “Обод маҳалла” давлат дастурида ҳам халқимизнинг бугунги кундан рози бўлиб яшаши учун, аввало, обод маҳалла ва гўзал масканлар яратишни таъкидлаш билан биргаликда уларнинг эртанги фаровон ҳаётига ишончини уйғотиш кераклиги ифодаланган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида акс этган обод турмуш тарзи билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўналишидаги саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамиятда обод турмуш тарзини шакллантириш ва ривожлантириш бевосита ахлоқий ҳамда эстетик кадриятларга асосланган ҳолда бир қатор ижтимоий-маънавий омиллар асосида қуришни тақозо этади. Булар:

– обод жамиятнинг ижтимоий кўриниши, яъни маънавий-ахлоқий ва эстетик қиёфаси, маданияти ва тақомилига боғлиқлигида намоён бўлиши;

– жамиятда ҳар бир шахснинг мақсад-муддаолари ва истакларининг рўёбга чиқарилишига қаратилган юксак инсоний туйғуларнинг эъозланиши ва унинг амалда ўз исботини топиши;

– жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш асосида шахснинг онгига миллий кадриятлар негизида эстетик тарбияни сингдириб бориш, замонавийликнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, эркинлик ва ижодкорлик руҳини олиб кирувчи кучли эстетик идеални қарор топтириш;

– соғлом турмуш тарзи негизда инсоннинг комиллик сари интилишларини кучайтириш, шу асосда обод жамиятнинг куч-қудрат манбаи ҳақида замонавий тафаккурни шакллантириш лозим.

Ушбу бобнинг “Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг этномаданий, этноэстетик жиҳатлари” деб номланувчи учинчи параграфда инсоннинг соғлом турмуш тарзи унинг ўзи бевосита мансуб бўлган муайян ижтимоий бирлик билан шартланади ва мазкур гуруҳнинг ҳаёт фаолияти кечаётган шароитга, унинг манфаат ва эҳтиёжларига боғлиқ бўлиши ва бу эса, соғлом турмуш тарзининг объектив шарт-шароити билан белгиланиши, натижада унинг ўзи ҳам объектив жараён сифатида муайян қонуниятларга боғлиқ бўлиши илмий асосланган. Соғлом турмуш тарзи ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида турган халқнинг иқтисодий, маҳаллий-ҳудудий ташкил топиши, рухий олами ва ўз-ўзини англаб етиши, бошқа миллат-элатлардан фарқланадиган ўзига хос ҳаёти, унинг ранг-баранг шакллари, ижтимоий ривож топганлик фаолиятини акс эттиради.

Биз мазкур тадқиқотда турмуш тарзини соғломлаштириш ва такомиллаштиришда асосий аҳамият касб этадиган муҳим омилларни тавсифлашни мақсад қилиб олганимиз боис, юқорида бу ижтимоий ҳодисанинг асосий белгилари (ободлик, гўзаллик, фаровонлик) ва компонентлари (ижодий, оптимистик, улуғворлик)ни тавсифлаш билан чегараланишга ҳаракат қилдик.

Диссертациянинг **“Оилада соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-эстетик омиллари”** деб номланган иккинчи бобида ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ислохотларнинг обод турмуш тарзи билан боғлиқ ривожланаётганлиги, инсон ва унинг манфаатлари устунлигини эстетик омиллар асосида очиб бериш, сиёсий жараёнларга нисбатан халқнинг фалсафий дунёқарашини бойитиш зарурияти билан боғлиқ масалалар ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Жамиятда соғлом ҳаёт, соғлом турмуш эстетикасини қарор топтириш, обод ҳаётни барпо этишда таълим ва тарбиянинг ролини ошириш, маҳалланинг мавқеини янада кучайтириш бугунги ислохотларимизнинг бош мақсадига айланган. Бу эса, ўз навбатида, оиладаги соғлом турмуш тарзини жаҳондаги мавжуд оилалардан фарқли жиҳатларини очиб беришга хизмат қилади.

“Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ислохотлар оилада соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришнинг объектив ва субъектив омиллари сифатида” деб номланган параграфда жамиятда соғлом турмуш тарзи мураккаб, зиддиятли эстетик ҳаётий жараён сифатида шаклланиб, ривожланиб бориши ва ўзида ҳам субъектив, ҳам объектив омиллар уйғунлигини ифода этиши ҳақида муносабат билдирилади. Ижтимоий-маданий шарт-шароит инсон ҳаёти ва фаолияти кечадиган объектив макондир. Инсон ва эстетик муҳит, инсон ва олам мавзуси азалий муаммодир. Инсон туғилиб, ўзининг тор муҳитидан ташқари чиқолмай ўтиб кетиши ҳам мумкин. Лекин бунда унинг чинакам инсонийлиги намоён

бўлмайди. Инсоннинг соғломлиги нафақат тиббий-ижтимоий ва биологик, шу билан бирга энг аввало социал хусусияти ҳисобланади ва ниҳоят у юзага келган ижтимоий жараёнлар билан унинг кўриниши ва характери, табиий, ижтимоий омиллар асосида юзага чиқарилади. Фалсафий адабиётларда соғломликни белгилашда бир неча хил ёндашувлар мавжудлигини таъкидлашимиз мумкин.

“Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ахлоқий-эстетик омиллари” деб номланган иккинчи параграфида муҳим тушунчалар, хусусан, “ғайрат”, “шижоат”, “фидойлик”, “меҳнатсеварлик” каби моҳияти жиҳатидан бир-бири билан узвий боғлиқ инсоний фазилатларга асосий эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, мана шу тўртта тушунча: “ғайрат”, “шижоат”, “фидойлик”, “меҳнатсеварлик” асосида гавдаланадиган инсоний фаолият улкан ижтимоий-маънавий ўзгартирувчанлик кудратига эгадир. Табиийки, бу ижобий хислатларни бир-бири билан боғлаб, уларни амалга оширишга сафарбар қиладиган асосий маънавий омил бу – инсон онги тушунчаси, яъни дунёқараши ва тафаккуридир.

Бугунги кунда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ривожлантириш борасида ҳам юртбошимиз: “Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш буйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда”<sup>1</sup>, – дейди Ш.М.Мирзиёев.

Инсоннинг ҳақиқий инсонлиги унинг эстетик тафаккури тиниқлиги ва теранлиги билан белгиланади. Илмий тадқиқотларда ҳозирги технологик инқилоб айни пайтда ҳам ижобий, ҳам салбий натижаларга олиб келаётганлиги, чунончи, компьютер одамни ижобий фикрлашдан маҳрум қилиб кўйиши тўғрисидаги баъзи фикрларга дуч келамиз. Уларнинг бирида шундай фикр билдирилади: “Бугунги одам компьютер ёнида техник функцияни бажарувчигинадир. Бошқача айтганда, у компьютерни эмас, компьютер уни бошқаради. Компьютер гўёки унинг танасининг ажралмас бир бўлагига айланиб қолади. Шу боис унинг билими кам бўлади. Унга кўпгина тарихий, техник кўникмаларни ижобий фаолиятнинг кераги бўлмай қолади. Бундай одамни қотиб қолган одам деб аташ мумкин”<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, жамият тараққиётида юз бераётган янгиланишлар инсон онги билан яратилаётган бўлса, маълум маънода инсоният таназзулига ҳам сабаб бўлмоқда. Бунда ёшларнинг соғлом турмуш тарзидан йироқлашиши, ахлоқий, эстетик жиҳатларнинг бузилишида ҳам кўришимиз мумкин.

Оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда ҳам, эркин, ижодий тафаккур тарзини шакллантиришда ҳам ҳал қилувчи омиллар мавжуд. Ана шулардан бири инсон эҳтиёжидир. Эҳтиёжлар моддий, маънавий, ижтимоий кўринишларга эга. Биз фақат моддий эҳтиёжлар билан соғлом турмуш

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б.90.

<sup>2</sup> Эрматов Х. Инсоният дард қидирмоқдами, дармон? // Мулоқот, 2000, 6-сон. – Б.6.

тарзини ўзгартириш деган фикрларга қўшилмаймиз. Чунки фақат моддий эҳтиёжлар соғлом турмуш тарзига ҳам ижодий бунёдкорлик, ҳам дағал вайронкорлик киритиш хусусиятига эгадир. Шунинг учун оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари муҳим ўрин тутди.

Диссертациянинг **“Оилада обод ижтимоий муҳит, соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг институционал ва қадриятли муаммолари”** деб номланган учинчи бобида ўзбек оиласида қадимдан шаклланиб келган фалсафий-эстетик тафаккур негизида инсоннинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари асосий ўрин эгаллаб келганлиги, бу жараёнда асрлар оша эъзозланиб келган миллий урф-одат ва анъаналарнинг эстетик қиёфаси, ахлоқий идеаллари келажак авлодлар учун маънавий озуқа бўлиб хизмат қилганлиги таъкидланган. Ўз даврига хос ахлоқий-эстетик қадриятлар даврлар оралиғида замонавийлашиб, ўзининг янгича андозаларига эга бўлиб борган. Шу боисдан замонавий руҳдаги фалсафий дунёқараш асосида аждодларимиз томонидан миллий қадриятлар ривожлантирилган. Оиладаги соғлом турмуш тарзининг жамият манфаатларига мос миллий ва умуминсоний жиҳатларини ўрганиш, жамиятда бу жараёни ҳаракатлар стратегиясига уйғунлигини таъминлаш давлат ва жамият бошқарувининг асосий вазифасига айланиши лозим. Бунда истиқболга мўлжалланган лойиҳалар яратиш, уларни воқеликка мос турмуш тарзига айлантириш долзарблашмоқда.

Ушбу боб оиладаги соғлом турмуш тарзига доир фалсафий-эстетик масалаларнинг моҳиятини очиб бериш, оилани эстетик жиҳатдан бойитиш, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг оиладаги ролини кучайтириш каби муаммоларнинг тадқиқини ўз ичига қамраб олади.

“Оилада обод ижтимоий муҳит ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг институционал, функционал жиҳатлари” деб номланган параграфда соғлом турмуш тарзининг муҳим қадриятларига алоҳида тўхталган. Яъни, Қ.Хоназаровнинг таъкидлашича, ўзбек халқининг фаровон ҳаётга, комил инсонга, идеал жамиятга, ўзига ва ўзгага, ўзидан юқоридаги ва ўзидан қуйидаги, ҳайвонот ва зироатга муносабати кўп минг йиллар давомида меҳнат ва яратувчанлик, меҳрибонлик ва осойишталик, ҳар бир кескин шароитда ҳам муросаю мадора, андишаю мулоҳазага ўрин топиш тарзида шаклланган.

Соғлом турмуш тарзи халқнинг тарихан таркиб топган қадриятларини ўзида акс эттириб, халқнинг, ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида нималарга интилиб яшаши, нималарни хуш кўриш-кўрмаслиги, иқтисодий, жўғрофий, маънавий омиллар асосида ўзига хосдир. Соғлом турмуш тарзи фақат ижтимоийлик билан индивидуалликнинг ўзаро алоқаси маҳсулигина эмас, шу билан бирга менталитет, хаттоки, индивид томонидан оламни ҳаётини идрок этиши ифодаси ҳамдир. Шу маънода соғлом турмуш тарзига социал омиллар ва индивиднинг ўзига хос фазилатлари билан сабабий боғланадиган ҳаётини фаолият шаклидир, деб таъриф бериш мумкин. Юқоридаги

фикрлардан кўриниб турибдики, менталитет ва турмуш тарзи бир-бирини тақозо қилувчи тушунчалар бўлиб, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди.

“Ўзбек оиласида ёшларнинг соғлом турмуш тарзига эътиқодини шакллантиришда миллий ва диний қадриятларни ўрни” деб номланган параграфда, соғлом турмуш тарзи, ижтимоий муҳит, эркин, ижодий тафаккур бир-биридан ажралмас яхлит жараённинг турли томонлари бўлиб, улар ўртасида таъсир ва акс таъсир доимий равишда рўй бериб туради. Яъни, одамларнинг эстетик тафаккури асосида соғлом турмуш тарзини қай даражада қуришини ташкил этиши, уларнинг фалсафий тафаккури таъсирида барқарорлашиб, ижодий йўналиш ва мазмун касб этади. Бу таъсирлар ўзаро уйғунлашганда, маънавий асосланганда, турмуш тарзининг соғломлик даражаси янада барқарорлашади ва юксакликка кўтарилади. Аммо бу жараён зиддиятли бўлиб, ўзаро таъсирлар нисбати турлича, масалан, баъзан муҳитнинг соғлом турмуш тарзига таъсири тескари бўлиши ҳам мумкин. Оилада ахлоқий-фалсафий тафаккур юксак ривожланган бўлса, у муҳитнинг салбий таъсирини вақтида қайтара олади, соғлом турмуш тарзининг ривожланишини таъминлаб туради. Аксинча, ривожланмаган ахлоқий тафаккурнинг носоғлом муҳит таъсирида янада тубанлашиб кетиши эҳтимолдан йироқ эмас. Бу мураккаб жараёнда асосий, ҳал қилувчи омил – инсоннинг ҳаётга муносабати, куч-ғайрат билан келажакка интилиши, бир сўз билан айтганда, унинг иродаси, эътиқоди, дунёқараши, яъни соғлом тафаккуридир.

Инсонда соғлом тафаккурнинг ривожланиб боришини таъминлашда соғлом тарбия тизими ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Умуман, инсон тарбияси тафаккур тарбиясидан кўра кенгроқ мазмунга эга. Тафаккур тарбияси инсон тарбиясининг муҳим бир томонидир. Модомики, тафаккур соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг муҳим омили экан, соғлом тафаккур, умуман, инсон борлигининг моҳиятли ифодасидир.

